





**шерикларига:**

**«Менга таяммумга рухсат топасизларми?» деди.**

**«Сен сувни ишлатишга қодир бўлиб турганинда, биз сенга рухсат топа олмаймиз», дейишди.**

**Бас, у ғусл қилди ва ўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганимизда у зотга бу ҳақда хабар берилди. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Уни қатл қилишибди. Аллоҳ уларни қатл қилсин! Агар билмасалар, сўрасалар бўлмасмиди?! Албатта, жоҳилликнинг шифоси саволдир. Унга фақатгина таяммум қилиши, жароҳатига латта боғлаши, сўнгра унинг устидан масҳ тортиши ва баданининг қолганини ювиши кифоя қилар эди», дедилар».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

Улкан саҳоба Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилинаётган ушбу ривоятда саодат асридаги ҳаётнинг кўринишларидан бири ҳақида сўз бормоқда.

Баъзи кишилар томонидан содир этилган хато, унинг аламли оқибати ва натижалари баён қилинмоқда. Аммо ўша даврдаги хатолар ҳам, аламли ҳодисалар ҳам беҳуда кетмай, асрлар давомида мўмин-мусулмонларга фойда келтирадиган амалга айланар эди.

Сафарда тош тегиб, боши ёрилган саҳобани олайлик. У киши сафарда бўлсалар ҳам, бошлари ёрилиб, жароҳатлансалар ҳам ўзларини поклаш, ибодат қилишнинг пайида бўлдилар. Ярадор одам ғуслнинг ўрнига таяммум қилса бўладими, йўқми, билмас эканлар. Шерикларидан бу ҳақда сўрадилар. Шериклари ҳам билмас эканлар, лекин эҳтиёткорлик йўлини тутдилар, қийин ва хатарли бўлса ҳам, асл ибодатни қилиш керак, деб ўйладилар. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иш тамоман бошқача эканлигини баён қилиб бердилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир ҳукмни билмаган одам шерикларидан сўраши лозимлиги.
2. Доимо намозни қолдирмасликка ҳаракат қилиш лозимлиги.

3. Раҳбарнинг йўқлигида бўлиб ўтган ҳодисалардан уни хабардор қилиш кераклиги.

4. Бир масалани аниқ билмай туриб, фатво бермаслик кераклиги.

5. Билимсиз фатво бериб, ёмон оқибатга сабаб бўлиш оғир эканлиги. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар:

**«Уни ўлдиришибди, Аллоҳ уларни ўлдирсин!»**

6. Билмаган нарсани сўраш кераклиги.

**«Агар билмасалар, сўрасалар бўлмасмиди?!»**

**7. «Албатта, жоҳилликнинг давоси саволдир».**

Шунинг учун билмайдиганлар биладиганлардан доимо сўраб иш қилиши керак.

8. Жароҳатли одам ғусл ва таҳорат пайтида жароҳатига сув теккизмаслиги жоизлиги. Агар жароҳатни боғлаб олган бўлса, ўша боғланган латта устидан масҳ тортишнинг ўзи кифоя қилиши. Жароҳати йўқ аъзоларини ювиши кераклиги.

9. Ислонинг осон дин эканлиги.

10. Ислонда инсоннинг ҳаёти ва унинг соғлиғи олий даражада қадрланиши.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.